

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 1\_\_

Тошкент вилояти

2022 йил "\_17\_" май

Кейинги уринларда "БУЮРТМАЧИ" деб юритиладиган "Konvension Markaz Majmuasi Direksiyasi" ДУК номидан Буйруқ асосида иш юритувчи директор А.Б. Таджиханов, бир томондан ва кейинги ўринларда "ПУДРАТЧИ" деб юритиладиган "Monument Stroy" МСНЖ рахбари номидан Низом асосида иш юритувчи директори Eshmanov Orifjon Keldiyarovich иккинчи томондан (кейинчалик объект) Eshmanov Orifjon Keldiyarovich "Olmos" дам олиш маскани худудида ободонлантириш ва қурилиш ишларини олиб бориш, жорий таъмирлашга (смета хужжатларида назарда тутилган ишлар хажми миқдорида) доир мазкур пудрат шартномани туздилар.

## 1. ТАРИФЛАР

### 1. Мазкур шартномада қўйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича БУЮРТМАЧИ томонидан ПУДРАТЧИга берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - ПУДРАТЧИ томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг хар бир босқичий ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. ПУДРАТЧИ мазкур шартнома шартларига "Olmos" дам олиш маскани худудида ободонлантириш ва қурилиш ишларини олиб бориш, жорий таъмирлаш объекти ишларини лойихада кўзда тутилган қурилиш ишларини бажариш

мажбуриятини олади, БУЮРТМАЧИ эса ПУДРАТЧИга қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### **III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ**

3. Мазкур шартнома буйича ПУДРАТЧИ томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган холда амалдаги нархларда **2 475 697 302.00** сўмни ташкил этади.

3.1. Пудратчи 2022 йил объектда нархларда \_\_\_\_\_ ташкил этади ва қурилиш – монтаж ишларини бажаради.

3.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини қупайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда; қурилишни амалга оширилишида қабул қилинган лойиха-смета ҳужжатларида қайта тузатишлар киритилганда;

ишлар ҳажми БУЮРТМАЧИ томонидан ўзгартирилганда; объектнинг қурилиш муддати бир йилдан ортиқ муддатда ўзгартирилганда.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш (перерасчет) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган узгаришлар БУЮРТМАЧИ билан ПУДРАТЧИ уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

### **IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4. Мазкур шартнома буйича ПУДРАТЧИ шартномада назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни БУЮРТМАЧИга мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

БУЮРТМАЧИни пудрат шартномалари тузилиши давомида ПУДРАТЧИлар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, ПУДРАТЧИНING номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш. буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини (зарурий ҳолатларда) суғурта қилиш;

мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш

тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

қурилиш майдони қуриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган (ПУДРАТЧИга тегишли бўлган) барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

4.1. ПУДРАТЧИ мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ПУДРАТЧИлар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун БУЮРТМАЧИ олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

## **V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **5. Мазкур шартномани бажариш учун БУЮРТМАЧИ:**

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича ПУДРАТЧИга бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган ПУДРАТЧИ томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, ПУДРАТЧИдан тугалланган ишларни ўз вақтида қабул қилиб олишни таъминлаш;

ПУДРАТЧИНING барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан ПУДРАТЧИга мазкур шартномада белгиланган фоизда аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун давомида ПУДРАТЧИга ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари руйхатини такдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган (буюрмачига тегишли бўлган) мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

### **6. Шартнома:**

6.1 ПУДРАТЧИ мазкур шартномадаги келишувига мувофиқ биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2 Лойиха-смета ҳужжати бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан. (қурилишга ажратилган маблағнинг молиялаштириш муддатига қараб) ташкил этилади.

6.3 Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ 40 кунда амалга оширилади.

## **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР**

7. БУЮРТМАЧИ ПУДРАТЧИга шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, аванс ўтказади, бу сўмни ташкил

---

этади. Бюртмачи хизматига эса 5 **фоиз** микдори ПУДРАТЧИНИНГ бажарадиган иш хажми суммасидан ушлаб қолинади.

7.1. БУЮРТМАЧИ томонидан ПУДРАТЧИга аванс бериш ва жорий молиялаштириш жадвали илова қилинади, молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

7.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

7.3. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган фоизи учун БУЮРТМАЧИ ва ПУДРАТЧИ ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейинги босқичда;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 50 фоизигача микдорида амалга оширилади.

7.4. ПУДРАТЧИ объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект БУЮРТМАЧИга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йуқ қилиниши ва шикастланиши хавфи ПУДРАТЧИнинг зиммасида бўлади.

7.5. БУЮРТМАЧИ мазкур шартнома буйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30(ўттиз) кун мобайнида бажармаган тақдирда, ПУДРАТЧИ бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда БУЮРТМАЧИни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда БУЮРТМАЧИ ПУДРАТЧИ томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

8. БУЮРТМАЧИ қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудитори тайинлайди, у БУЮРТМАЧИнинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек ПУДРАТЧИ томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. ПУДРАТЧИ техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор ПУДРАТЧИ томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. ПУДРАТЧИ ишларни бажариш лойиҳдсига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни-мустақил равишда ташкил этади.

8.5. ПУДРАТЧИ объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риюя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш ПУДРАТЧИ нинг вазифаси хисобланади.

8.7. БУЮРТМАЧИ қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда ПУДРАТЧИ га ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

8.8. БУЮРТМАЧИ қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун ПУДРАТЧИ га геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. ПУДРАТЧИ геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, ПУДРАТЧИ БУЮРТМАЧИ билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

8.10. ПУДРАТЧИ геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома буйича БУЮРТМАЧИга беради.

8.11. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни ПУДРАТЧИ амалга оширади.

8.12. ПУДРАТЧИ узи томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин ПУДРАТЧИ БУЮРТМАЧИни ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги БУЮРТМАЧИ ва ПУДРАТЧИ томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектқурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.15. ПУДРАТЧИ БУЮРТМАЧИнинг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар БУЮРТМАЧИнинг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби буйича ПУДРАТЧИ БУЮРТМАЧИнинг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган

ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

ПУДРАТЧИ БУЮРТМАЧИнинг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни БУЮРТМАЧИнинг розилигисиз амалга оширса, у агар бўларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

8.17. Агар БУЮРТМАЧИ ПУДРАТЧИ ва (ёки) унинг ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИлари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда ПУДРАТЧИ уз кучлари билан ва курилиш қийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган холлар бундан мустасно.

Агар ПУДРАТЧИ сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, ПУДРАТЧИ уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни БУЮРТМАЧИга тулайди.

8.18. ПУДРАТЧИ курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини БУЮРТМАЧИ томонидан курсатилган жойга чикариб ташлайди.

8.19. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача ПУДРАТЧИ ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, БУЮРТМАЧИ ва ПУДРАТЧИнинг узаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек" курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс этирилади. Агар БУЮРТМАЧИ ишларнинг бориши ва сифатидан ёки ПУДРАТЧИ нинг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён'килади.

ПУДРАТЧИ дафтарда БУЮРТМАЧИ томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## **IX. ИШЛАРНИ ҚУРИҚЛАШ**

9. ПУДРАТЧИ ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиши тугалланган объект БУЮРТМАЧИ томонидан қабул қилиб олингунга кадар четлари тусилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

9.1. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун БУЮРТМАЧИ жавоб беради.

## **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

10. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари

натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.1. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда ПУДРАТЧИ ва БУЮРТМАЧИ ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

10.2. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

11. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.1. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида ПУДРАТЧИ нинг ёзма билдиришномаси.

БУЮРТМАЧИ томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.2. ПУДРАТЧИ қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ БУЮРТМАЧИга ПУДРАТЧИ томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. ПУДРАТЧИ БУЮРТМАЧИга ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишлар га тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.3. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект БУЮРТМАЧИНинг мулкига айланади.

## **XII. КАФОЛАТЛАР**

### **12. ПУДРАТЧИ:**

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини узи томонидан қурилиш учун кулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.1. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар

қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаганкундан бошлаб камида **12 ой** этиб белгиланади.

Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига қадар узайтирилади. Нуксонлар ПУДРАТЧИ томонидан унинг уз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари ПУДРАТЧИ ва БУЮРТМАЧИнинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

29. Агар ПУДРАТЧИ бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан усқуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда БУЮРТМАЧИ мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини ПУДРАТЧИ дан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

30. ПУДРАТЧИ нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортгантақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бутомонларнинг ушбу масала буйича судга муурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

#### **31. БУЮРТМАЧИ:**

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши БУЮРТМАЧИга боглик бўлмаган сабабларга кура ПУДРАТЧИ томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати ПУДРАТЧИнинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга купайган ҳолда, ПУДРАТЧИ томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

ПУДРАТЧИ томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### **32. ПУДРАТЧИ:**

ишларнинг бажарилиши ПУДРАТЧИга боглик бўлмаган сабабларга кура БУЮРТМАЧИ томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда;

БУЮРТМАЧИ томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

33. Шартнома бекор қилинганда БУЮРТМАЧИ ва ПУДРАТЧИнинг кушма карорига кура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда БУЮРТМАЧИга берилади, БУЮРТМАЧИ бажарилган ишлар қийматини ПУДРАТЧИга тулайди.

34. Мазкур шартномани бекор қилишга карор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

35. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

36 . Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди,



қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

37. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда миқдорга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

38. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

39. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

40. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг

41. фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

42. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

43. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иктисодий суди томонидан куриб чиқилади.

#### **XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

44. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

45. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий ҳисобланади.

46. БУЮРТМАЧИ билан ПУДРАТЧИ уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қулланилади.

48. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2(икки) нусхада тузилди.

49. Мазкур шартнома 2022 йилнинг 31 декабр кунигача амал қилади.

## **XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

### **БУЮРТМАЧИ:**

### **ПУДРАТЧИ:**

**“KONVENSION MARKAZ MAJMUASI  
DIREKSIYASI” DUK**

(Bajaruvchining nomi)

Manzil: *Bo'stonliq tumani, Xumson MFY,  
Ugam ko'ch.*

Tel: 95-323-1010/ 95-324-10-10/  
95-325-10-10

H/V: 20210000205129216001

Bank nomi : *ATB “Qishloq qurilish bank”  
Bosh amaliyotlar*

MFO: 01037

STIR: 306 701 816

**Direktor:** \_\_\_\_\_ **A.B. Tadjixanov**  
(lavozim) (imzo) (F.I.Sh)